

Тақинчоқларнинг яратилиши ва турлари

Озода Эргаш кизи Давронова
Термиз давлат музей кўриқхонаси

Аннотация: Ер юзида заргарлик санъатининг вужудга келиши ва ривожланиши бир неча минг йиллик тарихга эга. Сўнгти йилларда Ўзбекистон худудида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида топилган бронза даврига оид археологик ёдгорликлари орасида қадимги аждодларимизнинг тақинчоқларига оид қатор ашёвий далиллар ҳам бор. Жумладан, Ўзбекистоннинг жанубидаги Бақтрия, Сополлитепа, Жарқўрғон манзилгоҳларидаги сағаналардан топилган тақинчоқлар наъмуналари рангбаранг бўлиб, уларнинг асосий қисмини бош, пешона, қулоқ тақинчоқлари, тўғноғичлар, тугмалар, билакузуклар ташкил этади. Мазкур ашёлар ушбу худудда яшаган аҳоли қадимдан бой моддий маданият соҳиби бўлганлигидан далолат беради.

Калит сўзлар: сир-асрорлар, анъанавий, тақводор, Кулоб, Муминобод, Қора Қизиқ ва Тенгизбой, орнамент, бадиий-безак

Creation and types of jewelry

Ozoda Ergash kizi Davronova
Termiz State Museum Reserve

Abstract: The emergence and development of jewelry art on Earth has a history of several thousand years. Among the archaeological monuments of the Bronze Age found as a result of archaeological excavations conducted in Uzbekistan in recent years, there are a number of material evidence of the jewelry of our ancient ancestors. In particular, the samples of jewelry found in the graves of the settlements of Bactria, Sopollitepa, and Zharkurgan in the south of Uzbekistan are colorful, the main part of which is made up of head, forehead, and ear jewelry, anklets, buttons, and bracelets. These items indicate that the people living in this region have had a rich material culture since ancient times.

Keywords: secrets, traditional, pious, Kulob, Muminabad, Kara-Kizik and Tengizboy, ornament, artistic decoration

Тарихдан маълумки, даврлар ўтиши билан муайян бир худуд миқиёсида тақинчоқларнинг баъзи турлари кенг ёйилса, айримлари ўз ўрнини йўқотган,

онги кўринишдаги тақинчоқлар пайдо бўлиб, олдингилари кундалик турмушдан чиқкан. Натижада тақинчоқлар ва уларнинг турлари ҳамиша ўзгариб турган. Шу сабабли тақинчоқларни этнографик жиҳатдан ўрганишда тадқиқотчилар тақинчоқлардаги шаклий ўзгаришлар, уларнинг турларидағи алмашинувлар сабабларига асосий эътибор қаратадилар. Олиб борилган этнографик тадқиқотлар ва илмий хулосалар асосида шуни айтиш мумкинки, Республикализнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари Сурхон воҳасида ҳам ижтимоий, иқтисодий, майший, ҳудудий омиллар билан боғлиқ, уч асосий йирик жараён ёки холат анъанавий тақинчоқларда даврий ўзгаришлар руй беришига сабаб бўлган.

1. Бадиий анъаналар - маълум бир тақинчоқ, турларининг тар калиш ҳудуди (ареал)да уста заргарларнинг ўзига хос маҳорати, зар-гарликнинг махаллий ва этник хусусиятлардан келиб чиқкан ҳолда тақинчоқларда маълум бир шакл ҳамда кўринишларга эътибор қаратилган.

2. Ҳудудий ўзига хосликлар. Бунда ахоли яшайдиган муайян ҳудудлар йирик шаҳарлар атрофида ёки улардан олисда жойлашган лиги тақинчоқларнинг бевосита ва билвосита ўзгаришига таъсир қилган.

3. Маданий-иқтисодий алоқалар тарихий-маданий ҳудудлар ўртасидаги ўзаро савдо-сотик муносабатлари ҳам таъкинчоқларнинг янги турлари пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлган,

XIX аср охири-XX аср бошларида Республикализнинг Бухоро, Хива, Самарқанд, Кўқон, Андижон, Тошкент, Шаҳрисабз, Китоб, Бойсун, Денов, Шеробод, Ургут каби шаҳар ва қишлоқларида уста заргарлар фаолият юритишиган. Бу даврда бутун ўлкамиз буйлаб Бухоро, Кўқон, Хива заргарларининг маҳсулотлари оммавий урф бўлган. Заргарларнинг ўзига хос маҳорати улар яратган заргарлик буюмларининг сифати, тақинчоқнинг маъданлари ва ясалиш усусларида ўз аксини топган. Ўрганилаёттан даврда воҳанинг уста заргарлари асосан ўз уйларида ишлашганлар, лекин айрим ҳолларда улар буюртмачилар талабига кўра уларнинг уйида ҳам ишлаганлар, Ҳар бир уста заргарнинг ўз касбий сири бўлган ва улар тақинчоқ, тайёр бўлгунига қадар маҳсулотни ҳеч кимга кўрсатмаган. Бу даврда Сурхон воҳасидаги уста заргарлар фаолиятида қуидаги асосий хусусиятларни кузатиш мумкин:

1. Қишлоқ заргарлари фақат буюртмачилар диди ва талабига мос равища бозорда сотиш учун тақинчоклар тайёрлашган.

2. Уста заргарлар кўп хрлларда якка ҳолда фаолият юритиб ўз касб-хунарларини, заргарлик сирларини фақат ўз ўғилларигагина қолдиришган ва улар узоқ, вақт ўзларига шогирд олишмаган.

3. Заргарлар асосан дәхқончилик қилиб, ундан буш вақтларидағина заргарлик касби билан шуғулланишган.

4. Маҳаллий заргарлар тақинчоқлар учун зарур маъданга доимо мухтож бўлганликлари боис асосан буюртмачиларнинг ашёларидангина тақинчоқлар ясашган.

5. Заргарларнинг меҳнати учун буюм ёки нарса бериш орқали олдиндан келишилган ҳолда ҳақ тўланган.

Юқорида қайд этилган хусусиятлар йирик шаҳарлардан олисда жойлашган заргарлар фаолиятининг асосий хусусиятларини ташкил этған ва улар аввало, фақат заргарлик билан шуғулланиш орқали кун кечириб бўлмаганлиги боис, улар дәхқончилик билан ҳам машғул бўлганлиги, қолаверса тақинчоқлар учун маъданга мухтожлик заргарларнинг ясаган буюмларини бозорда ўзлари сотиши каби сабаблар туфайли қишлоқларда заргарлик яхши ривожланмаган. Қолаверса, уста заргарлар ўзларига шогирд олмасдан ишлашларининг сабаби шундаки, улар ясаган тақинчоқлар узок, вақтгача сотилавермаганлиги боис шогирдга иш ҳақи тулаш муаммоси туғилган. Шунинг учун заргарлар ўзларига четдан шогирд ололмаганлар. Шунингдек заргарлик касби муқаддас ҳисобланиб, уста ўз ўғилларига ишонч билан ўз касбини ўргатган, яъни заргарликни ота мерос касб деб билишган, Агар шогирд олиш зарурати туғилса, насл-насаби тоза, тақводор кишиларнинг фарзандлари шогирдликка олинган. Бозорларда заргарлик буюмлари сотилмай қолса, иқтисодий зарап жабрини ҳам ота-ўғил ва оиланинг ўзигина кўрган.

Воҳада заргарлик санъатининг ўзига хос сир-асрорлари бўлган. Маълум бир тақинчоқ тўрини ясашда ҳар бир заргар ўзига хос безаклар, шакллар, кўринишлардан фойдаланган. Усталар ишида ана шу ўзига хослик бўлмаса, бошқа усталар ясаган тақинчоқлар билан ўхшашлик рўй бериб, бозорда ўзаро рақобат пайдо бўлган. Юқорида қайд этилган сабаблар туфайли ҳам қишлоқларда заргарлар жуда ҳам бўлган. Аҳоли эса бозорлардан ёки савдогарлар четдан келтирган заргарлик буюмларини сотиб олишган ёки буюмга алмаштиришган.

Воҳанинг йирик шаҳарлари ва унга яқин ерларда яшаган заргарларда бир нечтадан шогирдлари бўлган. Улар тақинчоқларнинг маълум бир бўлакларини ясапда ўз устозларига ёрдам беришган. Шеробод, Бойсун, Денов каби шаҳарларда яшовчи шаҳарлик заргарлар қишлоқ хўжалиги, яъни дәхқончилик билан шуғулланмасдан, фақат заргарлик касбини қилганлар ва улар ўз меҳнатларига пул ҳисобида ҳақ олишган. Юқорида кўрсатилган омиллар ушбу ҳудудларда заргарликнинг кенг ривожланишини таъминлаган.

Шаҳарда ўз устахоналарида ишлаган заргарлар буюртмачиларнинг савияси, диди ва моддий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда тақинчоқларнинг

хилма-хиллигига ҳамда сифатига эътибор қартишган. Демак, шаҳар ва унинг атрофида жойлашган заргарлик устахоналари майда уста-заргарларнинг уйларида ясалган тақинчоқлар ўзининг сифати кўриниши ва ясалиш услуби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилган. Шаҳарда бир-биридан ўз услуби, касб маҳорати билан фарқ қилувчи уста-заргарлар ўзларининг қўп сонли заргарлик устахоналарига ҳам эга бўлишган.

Тақинчоқлар билан савдо-сотик қилиш турли иқтисодий-маданий худудлар ўртасидаги савдо муносабатларининг энг қадимий ва кенг тарқалган туридир. Халқлар орасида оммавий урф бўлган тақинчоқлар ушбу соҳадаги савдо-сотик муносабатларининг асосини ташкил этган.

XIX аср охири-XX аср бошларида Ўрта Осиё худудидан бир нечта йирик карвон йўллари ўттан. Ўрта Осиёда Кўқон шаҳри савдо-сотик муносабатларида олдинги ўринларда турса, Самарқанд ва Бухоро заргарлари минтақани юқори даражада тараққий этган заргарлик буюмлари билан таъминлаган. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари ва жанубий Тожикистон худудларида Кулоб, Муминобод шаҳарлари орқали Афғон савдогарлари арzon тақинчоқлар олиб келишган. Шунингдек улар Денов, Китоб, Шахрисабз худудларида ҳам бўлиб, турли хил тақинчоқлар, матолар савдосини амалга оширишган. Бу даврда яна Кофарниҳон ва Сурхон дарёси соҳилларида жойлашган Хисор ва Қоратоғ қишлоқлари орқали Шимолий Афғонистон шаҳарлари билан савдо - сотик алоқалари йўлга қўйилган. Икки йирик довон йўли: Қора Қизиқ ва Тенгизбой Шарқий Бухоро худудини Фарғона водийсининг савдо марказлари билан боғлашда муҳиш роль ўйнаган.

Савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши натижасида қўшни минтақаларда тақинчоқларнинг хилма-хил турлари кириб келиши уларнинг ясалиш техникаси, бадиий жиҳатлари (орнамент), умумий кўриниши, тақинчоқларнинг маҳаллий турлари билан яқинлашиб, ўзаро уйғунлашиб кетишига олиб келган. Хуллас, заргарларнинг шахсий маҳорати ва иш юритиш усуслари билан боғлиқ, касбий анъаналари; маълум бир худуд аҳолиси учун анъанавий тус олган тақинчоқларнинг умумий кўриниши, турлари, умуман, халқнинг тақинчоқлар билан боғлиқ, бадиий-безак анъаналари; тақинчоқларнинг яратилиши, тарқалиши заргарларнинг иш фаолиятига таъсир кўрсатувчи худудий белгилар яхлит ҳолда маълум бир худудда тақинчоқларнинг шаклланишига муҳим таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

Тақинчоқларнинг давр ўтиши билан ўзгариб туриши ва уларнинг турлари кўпайишида савдо-сотик муносабатлари, муҳим роль ўйнаган. Юқорида кўрсатиб ўтилган уч асосий омил анъанавий тақинчоқларнинг умумий кўринишида ўзгариши юз бериши ва янги кўринишидаги тақинчоқларнинг

оммавий урфга айланишига сабаб бўлган. Халқлар ўртасида рўй берган этник ва маданий жараёнлар ҳам тақинчоқлар туркумида ўзгаришларига сабаб бўлган. Хуллас, ҳар қандай турдаги ва кўринишдаги тақинчоқлар икки муҳим жараён, яъни биринчидан, маҳаллий бадиий-безак анъаналари (тақинчоқлардаги маълум бир халқ, худудга хос бўлган ўзига хос белгиларнинг сақланиб қолиши); иккинчидан, савдо-сотик муносабатларининг кенг ривожланиши натижасида турли кўринишдаги тақинчоқларнинг савдо-сотик йўли билан кириб келиши ва доимий булмаган ҳолда маълум бир худуд ва халқ орасида кенг тарқалиши билан узвий боғлиқдир.

Хулоса килиб айтганда тақинчоқларнинг яратилиши ва худудий тарқалиши жараёни ҳар бир худудда ўзига хос тарзда рўй берган. Уста заргарлар ўзларининг бадиий-безак анъаналари асосида маълум бир тақинчоқ турини буюртмачининг шахсий диди ва иқтисодий ҳолатига қараб тайёрлаб берган. Воҳада тақинчоқларнинг кириб келиши ва тарқалишида савдо-сотик муносабатлари муҳим роль ўйнаб, натижада тадинчокдар хилма-хиллиги ортиб борган. Сурхон воҳаси қадимдан Буюк ипак йўлининг жанубий тармоқларида муҳим ўрин тутиб Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Олд Осиё каби йирик тарихий-маданий ўлкалар билан ўзаро савдо алоқаларини доимий амалга ошириб турган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов. И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. - Т.: Ўзбекистан, 1999. 7-жилд. 132-155 бб.
2. Каримов И.А. Қашқадарё воҳасининг зумрад гавхарлари / Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. - Т.: Ўзбекистан, 2003. 11-жилд. 56-63 бб.
3. Абдуллаев Т.А., Хасanova С.А. Одежда ўзбеков (XIX – начало XX вв.). - Т.: Фан, 1978. -115 с.
4. Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. - Т.: Янги аср авлоди, 2005. - 215 б.
5. Абду-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника (Бухара как она есть). - Самарқанд: Б.И., 1913. - 56 с.